JIZZAX VILOYATI YANGIOBOD TUMANI HOKIMI
QARORI

2022 - yil 31 - mart 74-3-54-Q/22 Yangiobod tumani hokimligi

Янгиобод туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси, “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 101-сонли қарорига асосан туман ҳудудидаги дафн этиш жойларини сақлаш ҳамда ободонлаштириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимлиги:

-фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қабристонларни зарур даражада сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда ҳашарлар, хотирлаш кунлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

-санитария қоидалари ва меъёрларига қатъиян риоя этган ҳолда қабристонларни очиш ва ёпишда қонунийликни таъминласин, қабристонлар ташкил этиш учун ер участкаси ажратишни ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширсин.

3. Туман ободонлаштириш бошқармаси ҳамда қабристонларнинг маъмурияти:

-хизматлар учун қатъиян белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда фуқароларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга доир

буюртмаларини ўз вақтида васифатли бажарилишини;

-қабристонларда бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатиш, объектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор “Янгиобод овози” газетасида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Мамадазимовнинг зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **И.Б.Қаршибоев**

Yangiobod tuman hokimining
2022 yil 31 martdagi
74-3-54-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Янгиобод туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори

сўм

Т\р	**Хизмат тури**	**Ўлчов бирлиги**	**Маҳалла**	**Маҳалла**
1.	Гўр қазиш	1 ўринга	Бепул	Бепул
2.	Тегишли диний конфессия қабристонида вафот этган яқинлари ва қариндошларини дафн этиш учун участка олиш	1 ўринга	Бепул	Бепул
3.	Маросим хизматларидан фойдаланиш	1 кунга	Бепул	Бепул
4.	Қабрга ва қабрусти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан фойдаланиш	1 ўрин/ кунга	Бепул	Бепул

Маҳаллаларда нархлар тафовут қилиши мумкин, шу сабабли устунлар сони иккита.